

## ЎЗБЕК ТИЛИДА ТУРЛАНИШ ВА ТУСЛАНИШ

**Ҳакимов Абдулвоҳид ҳайдар ўғли**

*Тошкент шаҳар Ориентал университети 2-курс магистранти*

Араб, ўзбек ва рус тиллари учун турланиш ва тусланиш ҳодисаси таниш. Турланиш ҳодисаси ўзбек ва рус тилларида от сўз туркумида юз берса, тусланиш феъл сўз туркумига хос ҳодисадир. Турланиш ва тусланиш тилшуносликда флексия, номи билан ифодаланади. Араб тили грамматикасида эса турланиш ва тусланишга алоҳида грамматик ҳодисалар сифатида қаралмайди, балки, улар эъроб, деб номланиб исм ва феълнинг эъробланиши, деб аталади. Араб тилида ушбу ҳодиса қандай юз беришини илмий тадқиқ қилишдан аввал ўзбек тилидаги турланиш ва тусланиш ҳодисасига тўхталиб ўтсак. Турланиш ҳодисаси от сўз туркумида юз беради. Отлар келишиклар ёрдамида турланади. Грамматик тил билан айтганда, келишик - от ёки отлашган сўзларнинг бошқа сўзлар билан алоқасини кўрсатувчи грамматик шакл. Отнинг келишик аффиксларини олиб ўзгариши турланиш, бу аффикслар эса турловчи аффикс дейилади. Отнинг келишик билан турланиши маъно талаби билан бўлади. Чунки от келишик формасида келиб, гапда бошқа сўзлар билан грамматик алоқаларга киришади, маълум синтактик вазифани бажаради: Муҳайё касалхонадан чиқиб, тўғри ўз уйига борди. Унинг фаолиятида янги, фақат унга алоқадор ишлар бошланмоқда эди<sup>28</sup>. Келишик категорияси олти шаклнинг системаси билан шаклланади, уларнинг ҳар бири маълум маънолар комплексини ифодалайди. Бу шакллар: бош келишик, қаратқич келишиги, тушум келишиги, жўналиш келишиги, чиқиш келишиги, ўрин-пайт келишиги. Ҳар бир келишик бир неча маънони англатади, шунга кўра маълум бир келишикдаги сўз гапда турли гап бўлаги вазифасида келади. Аммо келишик маъноларидан бири асосий маъно ҳисобланади, келишик шу асосий маъносига кўра номланади. Масалан, чиқиш келишиги шаклидаги от феъл билан боғланиб, предмет, ҳаракатнинг чиқиш ўрни белгисини англатади. Бу унинг асосий маъно ва вазифасидир.

Масалан: Али Қушчи бир лаҳза иккиланиб тургач, дарвозадан чиқди. (О.Ё.) . Ҳар бир от махсус аффикс билан ифодаланади. Лекин отнинг келишик аффиксини олмаган шакли ҳам бошқа бошқа келишикларга нисбатан алоҳида шакл ҳисобланади. Келишик шакллари воситасида бир сўзнинг бошқа бир сўз билан тобе алоқаси ифодаланади. Жумладан, бош келишикдаги от бошқа сўзни ўзига тобелаш орқали муносабатга киришади. Шунинг учун у асосий келишик дейилади. Қолганлари эса бир сўзни бошқа сўзга тобелаш орқали боғлайди ҳамда воситали келишик дейилади<sup>29</sup>. Масалан: Покиза ақл инсонни айб ва камчиликлардан қутқаради (У.Маҳкамов). Бу гапда ақл сўзи бош келишик

<sup>28</sup> Турсунов У., Мухторов А. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Т.: Ўзбекистон, 1992. –Б.259.

<sup>29</sup> Турсунов У., Мухторов А. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Т.: Ўзбекистон, 1992. –Б.260.

шаклида қутқаради сўзига нисбатан ҳоким ҳолатда, инсонни сўзи -ни тушум келишигида келиб, қутқаради феълига тобе, айб (дан), камчиликлардан сўзлари -дан чиқиш келишикда келиб, улар ҳам қутқаради феълига тобе бўлиб келган. Келишик категорияси, асосан, от туркумига хос бўлиб, улар от типли сўзлар, яъни олмош, ҳаракатноми, жамловчи соннинг баъзи кўринишларига ҳам бевосита қўшила олади: Менга, сендан, кимни, нимани, барчага, ўқишга, бешовимизга каби. Келишик аффикслари сифат, сон ва улар ўрнида ишлатиладиган олмошлар, феълнинг сифатдош шакли, баъзи алоҳида ёрдамчи сўзлар гуруҳига қўшилганда, уларни отлаштиради. Бошқача айтганда, келишиклар отлашадиган сўзлар билан фақат синтактик вазифа талабига кўра бирикади: Яхшидан от қолади, ёмондан дод. (Мақол) Бирни кессанг ўнни эк. (Мақол) 1) Бош келишикда келган от умуман шахс, предмет, воқеаҳодисаларнинг номини атайди, гапда, асосан, эга вазифасини бажаришга мос шаклда бўлади.<sup>30</sup> Бош келишикда келган отнинг келишик қўшимчаси йўқ, яъни нол кўрсаткичли шаклда бўлади. Бош келишик шаклидаги от ким? нима? ва қаер? сўроқларидан бирига жавоб беради. Бош келишикда келган отлар гапда турли вазифаларда келади: а) асосан эга вазифасини бажаради: Ҳимматлилик ўзининг саҳовати, меҳр-муҳаббати билан одамлар қалбига сингиб кетади. (У. Махкамов) б) кесим вазифасида келади: Тошкент-тинчлик шаҳри. Шунингдек, изоҳловчи, сифатловчи, ундалма вазифаларида ҳам келиши мумкин. 2) Қаратқич келишиги бирор предметнинг шу келишикдаги отдан англантилган предметга ёки шахсга қарашли эканлигини ифодалайди. Қарақич келишигида келган от кимнинг? ниманинг? қаернинг? каби сўроқлардан бирига жавоб беради, -нинг қўшимчаси орқали шаклланади<sup>31</sup>.

Масалан: Ҳақназар отанинг кўп яхшиликларини кўрганман. Қаратқич келишигида келган от икки хил белгили ёки белгисиз шаклда қўлланади. Белгили шаклда қўлланган от -нинг қўшимчаси билан ифодаланади: Бу ғўзанинг чаноқларидан астойдил меҳнатнинг самараси кўриниб турибди. (И.Р.) Белгисиз шаклда қўлланган от -нинг қўшимчаси билан ифодаланмайди: Дарё сувини баҳор тоширар, Одам қадрини меҳнат оширар. (Мақол) Қаратқич келишигида келган отлар гапда асосан қаратувчи вазифасида келади<sup>32</sup>. 3) Тушум келишигида келган от иш-ҳаракатни ўз устига олган предметни англатади. Тушум келишигида келган от кимни? нимани? қаерни? каби сўроқлардан бирига жавоб бериб, -ни қўшимчасини қўшиш орқали шаклланади<sup>33</sup>. Масалан: Водийларни яёв кезганда, бир ажиб ҳис бор эди менда (Х.О.) Баъзан шеърятда тушум келишиги қўшимчаси -н, -ни шаклида ҳам қўлланади: олмазорлар гулин тўқади, Сева боғлаб шохин буқади. (Х.О.) Тушум келишигида келган от доимо феъл билан боғланади ва гапда воситасиз

<sup>30</sup> Сайфуллаева Р. Ва бошқалар. Келтирилган иш. 187 бет.

<sup>31</sup> Йўлдошев И., Шарипова Ў. Тилшунослик асослари. –Т.: Иқтисод-молия нашрети, 2007. –Б. 129.

<sup>32</sup> Турсунов У., Мухторов А., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Т.: Ўзбекистон, 1992. – Б.266.

<sup>33</sup> Анданиёзова Д.Р., Анданиёзова Г.Р. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Т.: Мухаррир, 2012. –Б. 122.

тўлдиручи вазифасини бажаради. Масалан: Онангни бошингда тутсанг, Синглингни кафтингда тут (Мақол) Тушум келишиги 2 хил -белгили ёки белгисиз шаклда қўлланади: Белгили шаклда қўлланган от -ни қўшимчаси билан ифодаланади. Белгисиз шаклда қўлланган от -ни қўшимчаси билан қўлланмайди.

Масалан: Носиров Саидани узоқдан кўриши билан ўрнидан турди (А.Қ.) Гул туфайли тикан сув ичар (Мақол) 4) Жўналиш келишиги шу келишиқдаги отдан англашилган предметнинг иш-ҳаракат йўналтирган ўрин, вақт, сабаб ёки ишҳаракатнинг бажар (қаратқич келишиқ)алишида восита эканлигини англатади<sup>34</sup>.

Жўналиш келишигида келган от кимга? нимага? қаерга? қачон? нега? каби сўроқларидан бирига жавоб беради. -га (-ка, -қа) қўшимчалари билан шакланади. Масалан: Қуёш гуллар юзини шуълларга белади. (У) Маслаҳат Абдурасулнинг ҳалойиққа нима дейиши лозимлиги устида бўлди (П.Т.) Жўналиш келишигида келган отлар гапда асосан, ўрин, пайт, сабаб ҳоллари вазифасида келади. 5) Чиқиш келишигидаги сўз шахс ва предметнинг чиқиш ўрни, ҳаракат ва ҳолатнинг бошланиш нуқтаси каби маъноларни ифодалай.

Ҳозирга адабий тилимизда бу келишиқнинг аффикси –дан бўлиб, кимдан?, нимадан?, қаердан?, қачондан? сингари сўроқлардан бирига жавоб бўлади.: У дўстидан худди шу далдани кутиб турган эди. (М. Исм.) Бу келишиқда келган сўз воситали тўлдирувчи, ўрин ҳоли, пайт ҳоли, сабаб ва равиш ҳоллари вазифаларида келиши мумкин<sup>35</sup>. 6) Ўрин-пайт келишигининг шакли –да аффикси бўлиб, бу келишиқдаги сўз кимда?, нимада?, қаерда?, қачон? каби сўроқларга жавоб бўлади: Улар ҳалиги чол билан хайрлашиб, машиналарда кетишди. (А. Мух.) Ўрин-пайт келишигидаги сўзлар гапда тўлдирувчи, ўрин, пайт, равиш, сабаб ҳоллари вазифасида келиши мумкин<sup>36</sup>.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, ўзбек тили грамматикасида турланиш от сўз туркумида содир бўлар экан. Отнинг келишиқ аффиксларини олиб ўзгариши турланиш, бу аффикслар эса турловчи аффикслар, деб номланар экан. Келишиқ категорияси олти шаклнинг системаси билан шакланади, уларнинг ҳар бири маълум маънолар комплексини ифодалайди. Энди ўзбек тили грамматикасида мавжуд тусланиш ҳодисаси ҳақида маълумот берсак. Маълумки, тусланиш феъл сўз туркумига хос бўлган грамматик ҳодисадир. Феъл мустақил сўз туркуми бўлиб, предметнинг ҳаракатини ва жараён тарзидаги ҳолатини билдиради.

От ҳаракатни унинг номи сифатида бажарувчи ва замон билан боғламаган тарзда ифодалайди. Феъллар эса иш-ҳаракатнинг бирор бажарувчи томонидан маълум вақтда бажарилганлигини билдиради<sup>37</sup>: Узоқ айрилиқдан сўнг дўстлар

<sup>34</sup> Абдурахмонов Х. (ва бошқалар). Ўзбек тилининг амалий грамматикаси. –Т.: Ўқитувчи, 1992. –Б. 205.

<sup>35</sup> Турсунов У., Мухторов А., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Т.: Ўзбекистон, 1992. – Б.273.

<sup>36</sup> Ўша асар. –Б. 274.

<sup>37</sup> 18 Турсунов У., Мухторов А., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Т.: Ўзбекистон, 1992.. – Б.315.

яна учрашишди. Феъл гап тузишда от каби синтактик асос бўлиб хизмат қилади. У кўпинча бошқа сўзларни ўзига эргаштириб, уни бошқариб келади. Отнинг келишиклар билан турланиши феълда ифодаланган маъно талаби билан бўлади: университетни тугатмоқ, ишдан келмоқ, музейга бормоқ каби. Феъл нисбат (даража), майл, замон ва шахс-сон каби грамматик категорияларга эга бўлиб, уларнинг кўпчилиги феълнинг семантикаси билан боғлиқ.

Ҳаракатнинг воқеликка муносабатини кўрсатувчи грамматик категория майл категорияси дейилади. Майл категорияси замон ва шахссон категорияси билан узвий боғлиқ бўлиб, ҳаммаси биргаликда феълнинг тусланиш системасини ташкил қилади, предикативлик ифодаланиш формаси ҳисобланади. Шунга кўра майл категорияси ҳаракатнинг воқеликка муносабатини ҳам ифодалайди. Ўзбек тилида феълнинг майл шакллари қуйидаги кўринишларга эга бўлиб, булар маъно ва морфологик ифодаланиши жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади: 1) буйруқ-истак майли; 2) шарт майли; 3) хабар (ижро) майли. Буйруқ-истак майли сўзловчининг ҳаракатни бажаришга буюришни, қисташни, ундашни англатади ва ҳар бир маъно оттенкаси ўзига хос интонация билан характерланади. Масалан: Қани, ўтир, нима гап ўзи, тузукроқ тушунтир-чи? (О.Ё.) Буйруқ-истак майлида феълнинг тусланиши қуйидагича:

Бирлик	Кўплик
I ш. кел-ай (ин), ишла-й (ин)	кел-айлик, ишла-йлик
II ш. кел (гин), ишла (гин)	кел-инг, ишла-нг (из)
III ш. кел-син, ишла-син	кел-син (лар), ишла-син (лар)

Шарт майли бошқа бирор ҳаракат, воқеа-ҳодисанинг бажарилиши учун шарт, восита бўладиган, исталган, фараз, мўлжал қилинган ҳаракатни билдиради. Шарт майли шакли феъл негизига -са майл ясовчисини қўйиш ва туслаш билан ҳосил қилинади<sup>38</sup>:

Бирлик	Кўплик
I ш. кел-са-м	кел-са-к
II ш. кел-са-нг	кел-са-нгиз
III ш. кел-са	кел-са-лар

Хабар (ижро) майли феъл англатган ҳаракат ва ҳолатнинг маълум замонда бажарилиши, ижро этилиши ҳақида хабар беради. Бу майл шакли иш-ҳаракат уч замоннинг бирида ижро этилганлигини, унинг мавжудлигини ёки ҳаракат шу замонларнинг бирида бажарилмаганлигини англатади. Хабар майлининг махсус аффикси йўқ. У феълнинг замон ва шахссон аффикслари орқали ифодаланади. Замон категорияси феъл ифодалаган ҳаракатнинг нутқ пайтига муносабатини ифодалайди. Ҳаракатнинг бажарилиш вақти билан нутқ пайти орасидаги муносабатга қараб феълнинг уч замони фарқланади. Ўтган замон нутқ пайтидан илгари бажарилган ҳаракатни, ҳозирги замон нутқ пайти билан бир вақтда бажарилаётган ҳаракатни, келаси замон нутқ пайтидан кейин бажариладиган

<sup>38</sup> Йўлдошев И., Шарипова Ў. Тилшунослик асослари. –Т.: Иктисод-молия нашрети, 2007. –Б. 116.

ҳаракатни англатади. Шах-сон категорияси эса, феъл англатган ҳаракат-ҳолатнинг бажарувчига бўлган муносабатини ифодалайди. Ҳаракатнинг бажарувчиси сўзловчи, тингловчи ва нутқ пайтида қатнашмаган ўзга шахс бўлиши мумкин. Шахс маънолари махсус аффикслар орқали ифодаланади, бунда айти бир аффикс бажарувчининг сонини ҳам англатади. Шунинг учун бундай аффикс шахс-сон аффикси дейилади. Феълнинг шахс-сонда ўзгариши тусланиш дейилади ва шахс-сон аффикслари эса тусловчилар деб юритилади<sup>39</sup>.

Масалан:

Бирлик	Кўплик
I ш. бораман	борамиз
II ш. борасан	борасиз
III ш. боради	боради (лар)

Биринчи шахс тусловчиси ҳаракатнинг бажарувчиси сўзловчининг ўзи эканлигини, унинг кўплиги эса сўзловчи ҳам қатнашган шахсларни билдиради. Иккинчи шахс сўзловчининг нутқи қаратилган шахсни ёки шахсларни билдиради. Учинчи шахс тусловчиси эса умуман нутқда қатнашмаган, лекин нутқ ўзи тўғрисида бўлган шахс ёки шахсларни билдиради. Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, тусланиш бу феълга хос грамматик ҳодисадир. Феъл нисбат (даража), майл, замон ва шахс-сон каби грамматик категорияларга эга бўлиб, уларнинг ҳаммаси бир-бири узвий боғлиқ ҳамда ҳаммаси биргаликда феълнинг тусланиш системасини ташкил қилади.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Турсунов У., Мухторов А. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Сайфуллаева Р. Ва бошқалар. Келтирилган иш.
3. Анданиёзова Д.Р., Анданиёзова Г.Р. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Т.: Мухаррир, 2012. й
4. Абдурахмонов Ҳ. (ва бошқалар). Ўзбек тилининг амалий грамматикаси. –Т.: Ўқитувчи, 1992 й
5. Турсунов У., Мухторов А., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Ўзбекистон, 1992. й
6. Йўлдошев И., Шарипова Ў. Тилшунослик асослари. –Т.: Иқтисод-молия нашрети, 2007. й

### BANK LIKVIDLIGI TUSHUNCHASI VA UNGA TA'SIR QILUVCHI OMILLAR

<sup>39</sup>Йўлдошев И., Шарипова Ў. Тилшунослик асослари. –Т.: Иқтисод-молия нашрети, 2007. –Б. 120.